

ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР РЕЖИССУРАСИДА ТАЪСИРЧАН  
ВОСИТАЛАРНИНГ ТУТГАН УРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Равшан Расулов

**Аннотация.** Мазкур мақолада замонавий байрамлар режиссурасида таъсирчан воситалардан фойдаланиш усуллари ёритилган бўлиб, таъсирчан воситаларнинг назарий жиҳатлари, режиссёрнинг таъсирчан воситалар билан ишлаш амалиёти рамз, метафора, аллегория мисолида ўрганилган.

**Калит сўзлар.** Байрам, томоша, режиссура, таъсирчан восита, рамз, метафора, аллегория, оммавий сахна.

Тарих шуни исботлайдики, байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Байрамларнинг яна бир хусусияти уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, қишнинг совуқ кунларидан сўнг об-ҳавонинг исиши, теварак-атрофнинг кўм-кўк либосга ўраниши, дарахтларнинг гуллаши – баҳор келиши барча кишиларга олам-олам қувонч шодлик олиб келади. Албатта, бу ўзгаришдан ҳар ким ўзича завқланади. Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади.

Бевосита ана шу кайфият орқали инсон тарбиясига, унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи воситалар мавжудки, у соҳа тилида таъсирчан воситалар деб юритилади. Таъсирчан воситалар ижро, хатти-ҳаракат, овоз орқали томошабинга турли хил таъсир қилишни ўз ичига олиб, томошабинни хаяжонга солади, уни ларзага келтиради, кулдиради ёки йиғлатади.

Байрамларнинг тарбиявий функцияси, бевосита унда қўлланилаётган таъсирчан воситалар орқали вужудга келади. Байрамлар орқали томошабинни энг содда ва энг мураккаб усулларда тарбиялаш мумкин.

Оммавий байрам ва томошалар – ўзига хос ҳодиса бўлиб, борлиқ билан санъатни синтезлаб, у ёки бу реал воқеани бадиий жиҳатдан безайди. Режиссёр фақатгина театрлаштирилган ҳаракатни ташкил қилибгина қолмай, балки сахна майдонида бўлиб ўтаётган воқеаларни ёрқин бадиий асар даражасига кўтара олиши лозим. Рассом ўз картинасини тўлақонли чиқиши учун турли ранглар гаммасини ишлатгани каби, режиссёр ҳам ўз ғоясини, фикрини етказиб бериш учун турли таъсирчан воситаларни қўллайди. Бадиий образни яратиш жараёнида таъсирчан воситаларни, тасвирий воситалар билан

бирлаштириш керакли мақсадга эришишга ёрдам беради. Бу эса режиссёрнинг индивидуаллигига, ижодий етуқлигига ва касбий маҳоратига боғлиқ.

Режиссёр оммавий томошани яратиш жараёнида, театрлаштиришнинг мағзини очиб берувчи актёрлар ва томошабинлар тасаввурида катталаштирилган рамзларни қўллайди. Шу сабаб бу воситалар томошабин онгига тез таъсир кўрсатиб, уларни маълум мақсад сари етаклайди, тарбиялайди.

Театрлаштирилган оммавий байрам ва томошалардаги таъсирчан воситалар ҳақида Ўзбекистон, Россия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида кўплаб тадқиқотчи олимлар: И.Г.Шароев, Д.М.Генкин, Б.Н.Петров, Н.М.Туманов, Г.Кристи, А.И.Чечётин, Н.П.Охлопков, Г.П.Черний, Б.С.Сайфуллаев, У.Х.Қорабоев, Ф.Э.Аҳмедов, Ж.Душамов, В.Қ.Рустамов, Х.Ш.Пўлатовлар илмий изланишлар олиб борганлар. Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш керакки юқорида қайд этилган олимларимиз ўз илмий ишларида таъсирчан воситалар ҳақида алоҳида кенг қамровда тадқиқот олиб боришмаган.

Машхур режиссёр Г.А.Товстаногов театр санъатининг ифодавий воситалари сифатида сахна майдони, сўз, хатти-ҳаракат, чироқ, мусиқа, ритм ва бошқаларни кўрсатиб ўтади.

Педагогика фанлари номзоди, режиссёр Фарҳод Аҳмедов фикрига кўра таъсирчан воситалар бу – “Адабиётда – сўз, тасвирий санъатда – чизиклар, ранг-тасвир, мусиқада – товуш, ҳайкалтарошлиқда эса пластик шакллар ва ҳ.к. таъсирчан восита ва материал бўлиб хизмат қилади” [1, 110].

Таъсирчан воситалар баъзи мутахассислар томонидан «бадий ифодали восита» ҳам деб юритилади. Масалан: Жуманазар Душамов ўзининг “Оммавий тадбирлар режиссураси” китобида “Либос, реквизит, мусиқа, ёритувчи чироқ ва проекциялар – булар ҳаммаси анъанавий, бадий ифодавий воситалар ҳисобланиб, томошавий санъатнинг барча турларида, бадий образ яратишда ишлатилади” [2, 62] – деб ёзган бўлса, Фарҳод Аҳмедов эса «Томоша санъатида бадий образни яратиш учун костюмлар, реквизитлар, мусиқа, нур, видео материаллар ва проекциялар бадий таъсирчан воситалар бўлиб хизмат қилади” [1, 112] – деб таърифлайди.

Ўз ўрнида савол туғилади, Хўш буларнинг қайси бири тўғри? Жавоб излаш учун бу атамаларнинг рус тилидан ўзбек тилига ўгирилганлигини эътиборга олиб рус тили луғатига назар ташласак, таъсирчан сўзи ҳам, ифодавий сўзи ҳам «Выразительный» деб таржима қилинади. Бундан кўриниб турибдики бу сўзлар синоним бўлиб, бир-биридан фарқи йўқлигини аниқ билиб олиш мумкин.

“Санъатнинг қайси тури (кино, театр, цирк, мусиқа, кўшиқ, рақс, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва ҳ.к.) бўлмасин инсоннинг кўзини яшнатиб, кайфиятига, онгига, вужудига, қалбига ва руҳиятига таъсир этиши учун қўлланиладиган барча воситалар таъсирчан воситалар дейилади” [1, 113].

Мазкур соҳада илмий ва амалий фаолият олиб борган олим ва мутахассисларнинг фикрларига қўшилган ҳолда оммавий байрамлар режиссурасида таъсирчан воситаларга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Байрам мазмун-моҳиятини томошабинга етказишда, унинг ички ва ташқи дунёсида мўжизалар яратиш учун ишлатиладиган ҳар бир детал ва ҳаракат таъсирчан воситалар дейилади.

Ҳеч бир илмий асар ва ҳеч бир мутахассис йўқки оммавий байрамлар режиссурасида қўлланиладиган таъсирчан воситаларнинг аниқ сонини кўрсатиб ўта олган.

Оммавий байрам ва томошалар назариётчиларидан А.И.Чечётин шундай ёзади, «Янгидан янги таъсирчан воситаларни ўйлаб топишни деярли имкони йўқ, бўлган тақдирда ҳам бу жуда камдан кам содир бўлади» [4, 155].

Таъсирчан воситаларсиз оммавий байрам ва томошаларни сахналаштириб бўлмайди. Бу таъсирчан воситалар ўзига хос усулларни талаб этади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, режиссёр бу воситалар йиғиндисини бирданига қўллаш имкониятларига эга. Томошавий санъатда эса бу драматик спектакл бўлсин, опера, балет, оперетта ёки оммавий театрлашган томоша бўлсин, унинг асосий таъсирчан воситаси ва материали сифатида ҳаракат намоён бўлади.

Ҳаракат ёрдамида томоша санъати ўзининг бадиий образлари ва бадиий асарларни яратади. Айнан ҳаракат тилида томоша санъатида тасвирланган инсонлар ҳаётини инсонларга ҳикоя қилиб бериш мумкин. Айнан ҳаракат инсон образининг фикрини, ғоясини, сезгиларини, сўзи ва ўзини жисмонан тўғри билишни бир бутун қилиб жамлай олади.

Томоша санъатининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўзи учун санъатнинг бошқа турларидан кўплаб турли шакллар ва таъсирчан воситаларни танлаши мумкин. Масалан, адабиётдан, мусиқадан, тасвирий санъатдан, архитектурадан ва ҳ.к.

Томоша санъатининг яратувчиси – жамоа яъни, режиссёр бошчилигидаги ижодий гуруҳ ҳисобланади. Айнан режиссёр барча ижодий жараёни бошқаради. Режиссёр ихтиёридаги сўз, мусиқа, ҳаракат, ранг ва шакллар фақатгина хатти-ҳаракатни тўлдирувчи, бойитувчи сифатидагина қўлланилмай, балки спектаклнинг, томошанинг умумий ғоясини тўлиқ очиб беришга ёрдам берувчи таъсирчан восита сифатида ишлатилади.

Оммавий байрам ва томошаларда анъанавий таъсирчан воситалардан ташқари, транспорт ва барча турли (самолёт, вертолёт, ракета, ҳаво шари, танк, харбий разветка машинаси, пиёдаларнинг жанговор машинаси, ҳаво десанти машинаси ва ҳоказо) техника воситалари, олов ва сувнинг табиий кучи, табиий ёруғлик, пиротехника, қушлар, от, сигир, қўй, эчки, эшак, туя ва бошқа уй ҳайвонлар ва ҳоказолар каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бошқача воситалар ҳам ишлатилади.

Умуман олганда, оддий театрда фойдаланиш имкони бўлмаган воситалардан оммавий байрамларда таъсирчан восита сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, режиссёр Боҳодир Йўлдошев Қарши шаҳрининг 2000 йиллиги юбилейида орқа фонда Қарши шаҳрининг ҳаётини тасвирлаш учун чўпонлар ўз подасини яйловда ўтлатиб юрганини, ёш йигитча велосипедини хайдаб ўт олиб кетаётганини, новвойлар тандирига ўт ёқиб нон ёпаётганини, болаларнинг шовқин-сурон қилиб югуриб юришганини, туя етаклаб кетаётган қария, эшак миниб кетаётган йигит, ўт ўраётган болалар, ўчоғга олов ёқиб овқат пишираётган аёллар ва ҳоказо табиий воситалардан фойдаланган. Бу табиий воситалар байрамнинг янада қизиқарлироқ ва таъсирлироқ ўтишига сабаб бўлди.

Оммавий байрам ва томошаларда театрлаштиришнинг ўзига хос тилини вужудга келтиришда рамз, метафора ва аллегория етакчи таъсирчан воситалар бўлиб хизмат қилади. Бу воситалар орқали режиссёр тўлақонли, кўпқиррали эстетик бойликлар дунёсини вужудга келтиради.

Режиссёр оммавий томошани яратиш жараёнида, театрлаштиришнинг мағзини очиб берувчи актёрлар ва томошабинлар тасавурида катталаштирилган рамзларни қўллайди.

Режиссёр томонидан яратилаётган томошаларда театр тилини вужудга келтираётган, асосий таъсирчан воситалар, рамз, метафора, аллегория муҳим ёрдамчи вазифани бажаради.

(«Рамз» сўзи (символ) – юнончада «белги» деган маънони билдиради. Рамз кўп маъноли шакл бўлиб, ўзининг бошланғич туб маъносини тарихий давр ичида ўзгартириб, ўзга ҳодисаларни англата бошлади). Рамз белги бўлиб, ижодкор томонидан борлиқдаги кўп маъноли, предметли образларни бирлашишидир. Асрлар давомида бир қанча кишилар гуруҳлари ёки жамоанинг бир-бири билан мулоқоти жараёнидаги предметлар, ғоя ва маълумотлар шартли белгиларни вужудга келтирган. (Масалан, мучаллар ёки буқа – қадимги Мисрнинг рамзи, буғу – Олтой ўлкасининг рамзи ва ҳ.к.).

А.В.Луначарский бу борада қуйидагича ёзади: «Рамз нима? «Рамз» – санъатда энг муҳим тушунчалардан биридир. Ижодкор ўзининг туйғуларини,

қандайдир жаҳон миқёсидаги далилларни яққол, образли, ҳиссиётли ғоясини қандайдир абстракт ғоялар билан эмас, балки қандайдир аниқ, бевосита ҳиссиётингиздаги образда намоён этади.

Буни қандай амалга ошириш мумкин? Буни фақат образларда, керакли образларни қидириб, бирлаштириб, баъзи бир картиналарда аниқ намоёиш этиш мумкин. Шундай экан, улар узвий равишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Тез-тез такрорланадиган рамзларнинг қўлланилиши осон бўлгани учун эмоционал таъсирчанликни йўқотиб, штампга айланади. Янги рамзларни яратиш эса – бу тушунча билан предмет орасидаги янги алоқаларни ўрнатишни талаб этади. Рамз ўзининг кўшнилари «метафора» ва «аллегория» билан чамбарчас боғлиқдир.

Рамз аллегория ва метафора сингари ўзининг янги кўринишида намоён бўлади. Бундай пайтда биз уларнинг яқинлигини, улар орасидаги предмет ва воқеаларнинг алоқасини қандайдир сўз, белги, предмет ва воқеаларга кўчганини сезамиз.

Лекин рамз аллегория ва метафорадан умуман фарқ қилади. Аввалам бор ўзида кўплаб белгилар борлиги, (беҳисоблиги) ва ҳар бир рамзий образда иштирок этиб, бир-бирининг орасида ўзини намоён қилиб ўтади.

Рамз ва метафоранинг рамзий фарқи шундаки, метафора бизнинг кўз олдимизда вужудга келади: биз қандай сўзлар, тушунчаларнинг тенглаштирилганининг гувоҳи бўлиб, қайси тушунчалар уларни бирлаштириб, учинчи янгисини вужудга келтирганини тушуниб етамиз. Рамз–метафорик қурилиш тизимига кириши мумкин, лекин у бу унга мажбурий эмас.

Режиссёр Б.Йўлдошев сахналаштирган Б.Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ...» спектаклидаги сахнага жойлашган томошабин Брест қальасининг ертўласидаги омборхонада ўтиргандек тасаввур қилади. Бу омборхона ўк тешиб ўтган деворлар (шартли), «Ватан» аллегорияси деб қарасак, унинг «ҳимоячилари тўккан қон», томошабинларнинг иштирокчиларга айланиши, ажойиб, реалистик рамз даражасига кўтарилган.

Шундай қилиб рамз – ассоциацияни вужудга келтирадиган белги бўлиб, режиссуранинг асосий таъсирчан воситасидир.

Томошада ҳар бир эпизодни ҳал этишда рамз ва ассоциация ишлатилиши режиссёр томонидан реал ҳаётнинг материални фикр қила олиб, унинг асосида театрлаштирилган ҳаракатнинг образли-метафорик қаторини яратишга имкон беради.

Масалан, режиссёр Ф.Аҳмедов томонидан сахналаштирилган «Боболар руҳига таъзим» номли театрлаштирилган томошадаги Момо ер рамзий образи,

башоратчи сифатида Дарвеш образининг башорати метафорик тарзда олинган бўлиб, томошанинг образли қаторини вужудга келтиради.

Режиссёр Б.Йўлдошев томонидан сахналаштирилган «Наврўз-2005» байрам томошасидаги прологда рамзий киш билан баҳор ўртасидаги кураш, куюш (бола), ой (қиз) рамзий тимсолларининг бир-бири билан учрашув эпизоди томошабинларга эмоционал таъсир этди.

Оммавий томошаларда баъзи деталларнинг бошқаси билан қўшилиши натижасида рамзий умумлашма вужудга келади. Масалан, 2001 йил режиссёр Б.Сайфуллаев томонидан сахналаштирилган «Мустақиллик» байрами томошасида сахна майдонига ёзилган мато Ўзбекистон харитасига айланади. Мато остида жойлашган раққосалар ёрдамида ернинг нафас олиши (халқ тимсоли) рамзий намойиш этилади.

Режиссёр учун энг аҳамиятли воситалаардан бири-бу метафорадир. Метафора – предметларнинг умумий аломатларидан келиб чиққан ҳолда, бир предметни иккинчиси билан таққослашдир.

Биз оғзаки гапирганимизда метафорани деярли сезмаймиз. Метафоралар бизнинг нутқимизда одат бўлиб қолган. («Вақт учмоқда», «хаёт ўтиб кетди»). Бадиий ижодиётда метафора фаол иштирок этиб, ижодий тасаввурни ривожлантириб, ғоявий фикр қилишга ундайди. Метафора сахнавий образларни яратиш воситаси эканлиги учун режиссёрга жуда ҳам қадридир.

Ҳар қандай метафора айнан қабул қилишга мўлжалланмай, балки томошабиндан вужудга келаётган образли эмоционал эффе́ктларни тушуниш ва сезиш қобилияти талаб қилинади.

Бу ерда томошабин метафоранинг иккинчи планини-яширин таққослашни кўра олиши лдозим. Чунки, баъзан янги, кутилмаган, чуқур ғояга эга бўлган метафораларни тушуна билмаслик ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Қани, ўйлаб кўрайлик: нима сабабдан режиссёр метафорани ишлатади, нима сабабдан фақатгина қиёсланадиган предметнинг номи ёки ғояси айтилиб, асосий предметнинг номи ёки ғояси айтилмайди? Бу иш томошабиннинг тасаввури фаол ишлаши учун қилинади. Метафора бизнинг маънавий бой бўлишимизни талаб қилади. Ўтган асрнинг охирида Альфред Жарри сўз метафорасини сахнанинг пластик тилига ўтказа бошлаган эди. Унинг асосий мақсади чуқур поэтик ғояга эга бўлган, спектаклни фалсафий умумлашма даражасига олиб чиқиш эди.

Спектаклларда метафорани қўллаш диапозони жуда ҳам кенгдир: бу ташқи безакдан тортиб спектаклни образли яратишгача бўлган жараёндир. Оммавий байрам ва томошалар режиссёрларига эса, бу жуда ҳам катта

аҳамиятга эга. Кундалик реал ҳаётни бадиий талқин этиш, уни безаш, таҳлил қилишга, реал қаҳрамонни танишга метафора тўлиқ гармония бера олади.

Аллегория, ҳар доим оммавий байрам ва томошалар режиссурасида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган. Аллегория реал оммавий ҳаракат режиссурасида катта аҳамиятга эга бўлиб, икки ёқлама планлаштирилган. Биринчи план – бадиий образ, иккинчи план – киноя, шароитни аниқлаш, тарихий шароит, таассуротларни бирлаштириш.

Аллегория, айниқса, ўрта аср санъатига характерли бўлиб, уйғониш санъати, барокко, классицизмда ўз аксини топган. Аллегорик образлар француз революцияси байрамларида асосий ўринлардан бирини эгаллаган.

Театрлаштиришда рамз, метафора аллегорияни ишлатиш муҳим заруратдир.

Таъсирчан воситаларни тўғри танлаш, санъат турларининг, алоҳида номерларнинг ҳаракатга органик қўшилиши сюжетни тўлдириб, мавзунини ривожлантириши оммавий томошалар режиссурасининг асоси бўлиб хизмат қилади. Сўз, иллюстрация (тасвирлаш), рақс, мусиқа ва ҳ.к. рамз, метафора ва аллегорияни вужудга келтиради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1 Ражабов Тухтасин Ибодович, Ибодов Уктам Расулович ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО НАСЛЕДИЯ В ОБУЧЕНИИ ПЕСНЯМ БУХАРСКОГО ДЕТСКОГО ФОЛЬКЛОРА НА УРОКАХ МУЗЫКИ // Вестник науки и образования. 2020. №21-2 (99). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-natsionalnogo-naslediya-v-obuchenii-pesnyam-buharskogo-detskogo-folklor-na-urokah-muzyki> (дата обращения: 26.10.2023).

2 Rajabov T. I., Ibodov O. R. O'zbek Xalq Musiqa Merosda O'quvchilarni Vatanparvalik Ruhida Tarbiyalash Vositasi //IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 139-145.

3 Ибодов У. Р. ИНСТРУМЕНТАЛЬНАЯ МУЗЫКА КАК ОРУДИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ВЛИЯНИЯ НА ЧЕЛОВЕКА //Рекомендовано к печати Ученым советом Института психологии имени ГС Костюка НАПН Украины (Протокол № 14 от 28 декабря 2020). – 2020. – С. 336.

4. Каюмов Ибрагим Файзуллаевич ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ИСТОКИ МУЗЫКИ // Academy. 2020. №11 (62). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/psihologicheskie-istoki-muzyki> (дата обращения: 26.10.2023).

5. Каюмов Иброхим Файзуллоевич, Жураева Мафтуна МЕСТО МУЗЫКИ В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫХ КАЧЕСТВ УЧАЩИХСЯ 5-7 КЛАССОВ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ // Проблемы педагогики. 2020. №3 (48). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-muzyki-v-vospitanii-duhovno-nravstvennyh-kachestv-uchaschihsya-5-7-klassov-obscheobrazovatelnyh-shkol> (дата обращения: 26.10.2023).

6. Fayzullaevich Q. I. Culture and art values and aesthetics in formation factors. – 2021.

7. Kholmurodovna R. O., Esanova M. J. The Importance of Imagination and Perception in Traditional Singing Performance //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 73-74.

8. Рамазонова У. Х., Сайфуллаева О. М. Развитие чувства ритма у детей //Проблемы науки. – 2021. – №. 1 (60). – С. 49-51.

9..Ramazonova U. X., Esanova M. J. An'anaviy xonandalik rivojida maqomlarning o'rni //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 496-501..

10. Ramazanova O. K., qizi Mustaqimova G. G. Formation and Development of National Musical Traditions //european journal of innovation in nonformal education. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 336-339

11. Каримов О. И. Садриддин Айни-знаток и любитель народной музыки //Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 13 (138). – С. 21-24.

12. Каримов О. И. Бўлажак мусика ўқитувчиларида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 377-381.

13.Каримов О. И. Профессиональные музыкальные взгляды будущего учителя музыки //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 22-2 (100). – С. 17-20.

14.Boltayev B. H. BUXORO SHASHMAQOMI VA XORAZM MAQOM IJROCHILIGIDA MUSHKULOT (CHERTIM) VA NASR (AYTIM) YO'LLARI SEMANTIKASI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI. – 2022. – С. 776-782

14. Hamidovich B. B. Classification of the Bukhara Status (" Shashmakom") System //AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 109-111.

15. Болтаев Б. Х. Описание приёмы и методики представителей исторического генезиса и этапов узбекского музыкального обучения //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 806-813.



16. Azimovna S. M. et al. THE BUKHARA PERFORMANCE STYLE IS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF MORAL QUALITIES OF TEENAGERS //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 1067-1071.

17. Samiyeva M. A., Ramazonov A. V. O 'ZBEK MUMTOZ MUSIQASI-O'QUVCHILAR QIZIQISHINI SHAKLLANTIRISH OMILI //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 31-36.

18. Azimovna, Samiyeva Mehriniso. "THE BUKHARA PERFORMANCE STYLE IS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF MORAL QUALITIES OF TEENAGERS." *Academia Science Repository* 4.04 (2023): 1067-1071.

19. Samiyeva Mehriniso Azimovna, & G'aybullayev Quvonchbek G'olibovich. (2023). THE BUKHARA PERFORMANCE STYLE IS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF MORAL QUALITIES OF TEENAGERS. Web of Scientist: Interneti

20. Мустафоев Б. И. ОСОБЕННОСТИ УРОКОВ МУЗЫКИ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ //Достижения науки и образования. – 2019. – №. 1. – С. 46-48. *onal Scientific Research Journal*, 4(04), 1067–1071

21. Мустафаев.Б.. МУЗЫКАЛЬНО–ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ АБДУРАУФА ФИТРАТА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023 - Т. 34. – №. 34 .journal.buxdu.uz <https://buxdu.uz> Page 1 *Международный научный журнал № 2 (100), часть 2 «Научный импульс» сентябрь, 2022 361*

22. Мустафаев Б. Restoration of the System of Music Education in Uzbekistan in 1920 1940 Years //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 23. – №. 23.

23. Камолов Ш. Х. Приёмы и методы преподавания музыки в общеобразовательной школе //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 602-607

24. Камолов Ш. Х., Бомуродов Ш. Ш. Педагогический характер студенческой молодежи и психологический подход //Academy. – 2021. – №. 3 (66). – С. 60-62.

25. Равшан Р. Р. ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР РЕЖИССУРАСИДА ХАЛҚ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ ТАЪСИРЧАН ВОСИТА СИФАТИДА //TA'LIM VA RIVOJLANISH TANLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 117-122.

26. Равшан Р. Р. ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМЛАР РЕЖИССУРАСИДА ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ //TA'LIM VA RIVOJLANISH TANLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 136-144.

VOLUME-1, ISSUE-4

27. Равшан Р. Р. ТЕАТР ТОМОШАЛАРИДА ТАЪСИРЧАН ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ //ТА'ЛИМ VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 145-151.

28. Urinov S. K., Nematullayeva S. CULTURAL CENTERS ARE A PLACE OF KNOWLEDGE AND ENLIGHTENMENT //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 100-106.

29. Mo'Minmirzo Zokir O. G. L. et al. TEATR FAOLIYATIDA BOSHQARUV JARAYONLARINI TASHKIL ETISH USULLARI //Oriental Art and Culture. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 57-62.

30. Xolmo'minov M. Z. O. L. et al. MADANIYAT MARKAZLARIDA TO'GARAKLARNI TASHKIL ETISH MUAMMOLARI //Oriental Art and Culture. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 102-107.

31. Ravshanovich H. H. O'QUVCHI YOSHLARDA IJRO MALAKALARINI O 'STIRISHDA FANLARARO ALOQADORLIK // " USA" INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE TOPICAL ISSUES OF SCIENCE. – 2023. – Т. 8. – №. 1.

32. Ravshanovich H. H., Hakimovich X. J. ESTETIK TARBIYA BERISH JARAYONIDA O'ZBEK XALQINING MUSIQIY MEROSIDAN FAYDALANISH //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 73-74.

33. Ravshanovich H. H. MUSIQA DARSLARINI O'QITISHDA FANLARARO ALOQADORLIKNING AHAMIYATI //JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 11-14.

34. Абдуллаев К. Ф., Умурова М. Ё. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УРОКА ПЕНИЯ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 66-69.

35. Umurova M. Y. Educational Significance of Children's Folklore Songs //AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 148-152.

36. Umurova M. Y. Formation of Patriotic Feeling in Youth Students through Folk Songs //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 99-10

37. Ражабов, Т. И. (2023). Совершенствование Механизма Духовно-Нравственного Формирования Учащихся Через Узбекские Народные Песни. Miasto Przyszłości, 33, 167-176.

VOLUME-1, ISSUE-4

38.Ражабов, Т. И. (2021). Ўқувчи-ёшларга ўзбек миллий мусиқа фольклори намуналари воситасида эстетик тарбия бериш. *Science and Education*, 2(11), 1094-1103.

39.Тўхтасин, Р. И. (2022). ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ВА ИЖРОЛАРИ ҲАҚИДА. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, (Special issue), 64-71.

40.Rajabov, T. I. The Mechanism of Teaching Uzbek Musical Folklore. *Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences* ISSN, 2795(546X),

41.Ражабов, Т. (2023). О ‘zbek bolalar musiqiy o ‘yin folklorining mavzuviy tasnifi. *Общество и инновации*, 4(5/S), 340-345.

42. KO‘rinov S., Sadullayeva S. MUZEYSHUNOSLIK ISTIQBOLLARI //IJODKOR O‘QITUVCHI. – 2023. – Т. 3. – №. 26. – С. 97-101.

43. Orinov, Sh K., and H. Abdusalomova. "TEATRLAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI." *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI* (2022): 766-770.

44. Orinov S. K. et al. UNDER THE ADMINISTRATION OF THE FIELD OF CULTURE AND ARTS FOREIGN MODELS (US EXAMPLE) //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 27. – С. 214-221.

45. O‘rinov S. K., Nematullayeva S. BADIY HAVASKORLIK TO‘GARAKLARINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY METODLARI //Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 58-61.